

Марказий Осиёдаги превентив дипломатия бўйича БМТ Минтақавий марказининг (МОПДММ) раҳбари билан учрашув бўлиб ўтди



2018 йилнинг 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Стратегик ва минтақаларо институтида Марказий Осиёдаги превентив дипломатия бўйича БМТ Минтақавий марказининг (МОПДММ) раҳбари, Буш Котибининг маҳсус вакили Н.М.Герман ва МОПДММ вакили Н.Худайберганов билан Институт Директори В.И.Норовнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Суҳбат давомида МОПДММ раҳбари давлат қурилишида янги давр ҳисобланмиш Ўзбекистондаги сиёсий, иқтисодий, ижтимой-маданий ва бошқа соҳалардаги бўлаётган ўзгаришларни юқори баҳолади. Бугунги кунда ўтказилаётган ислоҳатларнинг юқори даражада сақланиб қолиши ва Ўзбекистоннинг яқин йиллардаги ривожи Марказий Осиёдаги ўз ўринини мустаҳкамлашга кафолатdir.



СМТИ ва МОПДММ ўртасида яқин ва маҳсулли ҳамкорликни йўлга қўйиш учрашувнинг марказий мавзуларидан бири бўлди. Бу борада томонлар бирга ишлаш учун ўзаро ниятлари борлигини таъкидлаб ўтдилар, шунингдек, манфаатдор томонларни жалб қилган ҳолда, ҳамда Марказий Осиёнинг тадқиқот марказларининг иштирокида қўшма тадбирлар ўтказиш истиқболларини муҳокама қилдилар.